

**ЎЗБЕК ТИЛИ, АДАБИЁТИ ВА ФОЛЬКЛОРИ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.30.08.2018.Fil.46.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ҚОРАҚАЛПОҚ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

АЛЛАМБЕРГЕНОВА ИНАБАТ ХАСАНБАЕВНА

**ҚОРАҚАЛПОҚ ХАЛҚ РИВОЯТЛАРИ
(жанрий ўзига хослиги, таснифи)**

10.00.08 – Фольклоршунослик

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2018

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**
**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
филологическим наукам**
**Contents of the abstract of the dissertation on doctor of philosophy (PhD) on
philological sciences**

| | |
|--|----|
| Алламбергенова Инабат Хасанбаевна Қорақалпоқ халқ ривоятлари (жанрий ўзига хослиги, таснифи)..... | 3 |
| Алламбергенова Инабат Хасанбаевна Каракалпакские народные предания (жанровые особенности, классификация)..... | 23 |
| Allamberganova Inabat Khasanbayevna Karakalpak folk legends (genre peculiarities and classification)..... | 43 |
| Эълон қилинган ишлар рўйхати Список опубликованных работ List of published works..... | 47 |

**ЎЗБЕК ТИЛИ, АДАБИЁТИ ВА ФОЛЬКЛОРИ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.30.08.2018.Fil.46.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ҚОРАҚАЛПОҚ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

АЛЛАМБЕРГЕНОВА ИНАБАТ ХАСАНБАЕВНА

**ҚОРАҚАЛПОҚ ХАЛҚ РИВОЯТЛАРИ
(жанрий ўзига хослиги, таснифи)**

10.00.08 – Фольклоршунослик

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2018

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2017.1.PhD/Fil95 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Қорақалпоқ давлат университети «Қорақалпоқ адабиёти» кафедрасида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.tai.uz) ҳамда «Ziyonet» Ахборот-таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

| | |
|----------------------------|---|
| Илмий раҳбар: | Жаримбетов Қурбанбай Қудайназарович филология фанлари доктори, профессор |
| Расмий оппонентлар: | Эшонқулов Жаппар Солиевич, филология фанлари доктори Расулова Зебинисо Жалолиддиновна, филология фанлари номзоди |
| Етакчи ташкилот: | Қорақалпоқ гуманитар фанлар илмий-тадқиқот институти |

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти ҳузуридаги DSc.30.08.2018.Fil.46.02 рақамли Илмий кенгашнинг 2018 йил «__» _____ соат ____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100060, Тошкент, Шаҳрисабз тор кўчаси, 5-уй. Тел.: (99871) 233-36-50; fax: (99871) 233-71-44; e-mail: uzlit@uzsci.net)

Диссертация билан Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Асосий кутубхонасида танишиш мумкин. Манзил: 100100, Тошкент, Зиёлилар кўчаси, 13. Тел.: (99871) 262-74-58.

Диссертация автореферати 2018 йил «__» _____ да тарқатилди.
(2018 йил “__” _____ даги ____-рақамли реестр баённомаси).

Т.Мирзаев
Илмий даражалар берувчи
Илмий кенгаш раиси, ф.ф.д., академик

Л.Худайқулова
Илмий даражалар берувчи
Илмий кенгаш котиби, ф.ф.н.

Ш.Турдимов
Илмий даражалар берувчи Илмий
кенгаш қошидаги илмий семинар
раиси, ф.ф.д.

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Ҳозирги замон жаҳон фольклоршунослигида халқ насри асарларининг таснифини яратиш, оғзаки прозанинг тарихий-генетик асослари, жанрий таркиби ва бадиияти масалаларини ҳар томонлама ўрганиш устувор илмий йўналишлардан бирига айланди. Фин фольклоршунослиги мактаби томонидан ишлаб чиқилган тарихий-жуғрофий методнинг инглиз, немис, венгер, турк ва рус олимлари тарафидан такомиллаштирилиши натижасида яратилган эпик сюжет ва мотивларнинг каталоглари оғзаки насрий асарлар, шу жумладан, ривоятларнинг жанрий ўзига хослиги, миллий хусусиятлари ва типологияси юзасидан кенг кўламли тадқиқотларни амалга оширишга асос бўлди.

Дунё фольклоршунослигининг халқ насри генезиси, таснифи ва поэтикасига доир назарий концепциялари ҳамда тадқиқ усуллари қорақалпоқ халқ оғзаки ижодининг эртак, афсона, ривоят ва нақл каби эпик турга мансуб жанрларига оид материалларни тўплаш, системалаштириш, нашрга тайёрлаш ва ўрганишнинг янги босқичини бошлаб берди. Ана шундай ўз тадқиқини кутиб турган фольклор асарларидан бири ривоятлар бўлиб, унинг жанрий табиати, халқ насри тизимида тутган ўрни, сюжет силсиласи ва мотивлар таркибининг ўзига хослигини аниқлаш бугунги қорақалпоқ фольклоршунослиги назариясини янада бойитишга асос бўлади. Зеро, қорақалпоқ ривоятларининг жанрий хоссалари, поэтик хусусиятлари ва сюжет тизимининг манбаларини ўрганиш халқ оғзаки ижодининг ривожланиш босқичлари ва бадиий эволюциясини аниқлашга имкон беради.

Қорақалпоқ халқ ривоятлари ўтмишдаги тарихий воқелик ва урф-одатларни ҳаётий уйдирма асосида акс эттириши билан фольклорнинг бошқа жанрларидан ажралиб туради. Ривоятларда халқимизнинг босиб ўтган ҳаёт йўли ўз ифодасини топган бўлиб, номоддий маданий мерос дурдоналари сифатида эъзозлаб келинаётган «бу бебаҳо бойлик янги ва янги авлодлар учун донишмандлик ва билим манбаи, энг муҳими, янги кашфиётлар учун мустаҳкам замин бўлиб хизмат қилиши шубҳасиздир»¹. Ҳозирга қадар илмий манбаларда бу жанрга мансуб асарлар «легенда», «афсона», «ангиз» каби турли атамалар билан номланганлигини кузатамиз. Буларнинг қайси бири афсона, қайси бири ривоят ёки ангиз эканлигини аниқлаш, атамаларни ўз ўрнида ишлатишни таъминлаш эса давр талабидир. Шу боис, ривоятларнинг ўзига хос жанр хусусиятларини ажратиш кўрсатиш, тасниф қилиш, пайдо бўлиш манбалари, тараққиёт тамойиллари ва типологик хусусиятларини илмий тадқиқ этишга бағишланган ушбу диссертация иши мавзуси бугунги қорақалпоқ фольклоршунослиги учун долзарблик касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 12 январдаги «Китоб маҳсулотларини чоп этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида Ўзбекистондаги Ислом маданияти марказини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2017 йил 23 июндаги ПҚ-3080-сонли қарори.

мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғибот қилиш бўйича комиссия тузиш тўғрисида»ги Ф-4789-сонли Фармойиши, 2017 йил 16 февралдаги ПФ-4958-сонли «Олий ўқув юртларидан кейинги таълим тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида»ги Фармони, 2017 йил 17 февралдаги ПҚ-2789-сонли «Фанлар академияси фаолияти, илмий-тадқиқот ишларини ташкил этиш, бошқариш ва молиялаштиришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори, 2017 йил 13 сентябрдаги ПҚ-3271-сонли «Китоб маҳсулотларини нашр этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғиб қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури тўғрисида»ги қарори ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 24 апрелдаги 304-сонли «Бахшичилик ва дostonчилик санъатини янада ривожлантириш ҳамда такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ва мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу тадқиқот иши муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодий шакллантириш» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Жаҳон фольклоршунослигида ривоятларнинг илмий асосда ўрганилиши борасида қатор ишлар олиб борилган. Айниқса, инглиз фольклоршунослари Ш.Де Костер, К.Бриггс, Б.Еатс, турк фольклористи П.Д.Фидакар халқ ривоятларининг жанр хусусиятлари ва таснифи масаласини ўрганишган бўлса,² В.Я.Пропп, Н.И.Кравцов, С.Г.Лазутин, В.К.Соколова, В.П.Аникин, Ю.Г.Круглов, С.А.Матвеев каби рус олимлари ривоятлар генезиси ва поэтикасини тадқиқ этишган.³ Шунингдек, ўзбек, қозоқ ва туркман фольклоршунослигида ҳам⁴ ривоятларнинг жанр хусусиятларига доир илмий қарашлар илгари сурилган.

Юқорида таъкидланганидек, қорақалпоқ адабиётшунослиги ва фольклоршунослигида ривоят жанрига турлича муносабат билдирилган. Н.Давқараев, Қ.Айимбетов, Н.Жапақов, Қ.Мақсетов ривоятнинг жанр

² Де Костер Ш. Легенда об Уленшпигеле (перевод с английского Н.М.Любимова). – М.: Терра, 1997. – с. 474; Brigga K. British folk-tales and legends. – London and New York, 2002. – 415 p.; Yeats W.B. Fairy and Folk Tales of Ireland. – Bounty, 2004., Pinar Dönmez Fidakâr. Karakalpak efsaneleri (inceleme-metinler) Izmir. 2012 .

³ Пропп В.Я. Жанровый состав русского фольклора. Фольклор и действительность. – М.: Наука, 1976; Кравцов Н.И., Лазутин С.Г. Русское устное народное творчество. – М.: Высшая школа, 1983; Аникин В.П., Круглов Ю.Г. Русское народное поэтическое творчество. – Л.: Просвещение, 1983; Матвеев С.А. Английские легенды (English folktales and legends). – М., 2014. – 130 с.

⁴ Имомов К., Мирзаев Т., Саримсоқов Б., Сафаров О. Ўзбек халқ оғзаки поэтик ижоди. – Тошкент: Ўқитувчи, 1990; Жуманазаров У. Ўзбек фольклори ва тарихий воқелик. – Тошкент: Фан, 1991; Жўраев М., Нарзиқулова М. Миф, фольклор ва адабиёт. – Тошкент: Ўзбекистон миллий кутубхонаси, 2006; Саттаров У. Ўзбек халқ топонимик ривоятлари: Филол. фанлари номз. дис. ... автореф. – Тошкент, 2002; Жумаев З. Ўзбек халқ тарихий ривоятлари: Филол. фанлари номз. дис. ... автореф. – Тошкент, 2005; Каскабасов С.А. Казахская несказочная проза. – Алма-ата: Наука, 1990; Баймырадов А. Туркмен фольклор прозасының тарыхы эволюциясы. – Ашхабад: Ёлым, 1982.

хусусиятларига қисқача изоҳ ва таъриф берган бўлишса,⁵ А.Пахратдинов, К.Алламбергенов, К.Палимбетов, Т.Керуенов ривоятларнинг бошқа эпик жанрлар билан ўзаро муносабатини ўрганишган.⁶ Қорақалпоқ ривоятлари ҳақида нисбатан кенг қамровли илмий қарашлар С.Баҳадирова ва Қ.Мамбетназаров китобида учрайди.⁷

Диссертация мавзусининг тадқиқот бажарилган олий таълим муассасасининг илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат университети илмий-тадқиқотлар режасининг «Қорақалпоқ фольклорини ўрганиш ва фольклоршуносликнинг долзарб масалалари», «Ҳозирги филология фанларининг долзарб масалалари» мавзусидаги илмий тадқиқотлар режаси доирасида бажарилди.

Тадқиқотнинг мақсади қорақалпоқ халқ ривоятларининг жанр хусусиятлари, миллий ўзига хослиги ва эпик турга мансуб фольклор асарлари тизимида тутган ўрнини аниқлаш, уларнинг тарихий асослари ва бадий эволюцияси қонуниятларини очиш, мавзу типларига ажратиб таснифлаш, ривожланиш тамойиллари ва типологиясини тадқиқ қилишдан иборатдир.

Тадқиқотнинг вазифалари.

қорақалпоқ халқ ривоятларининг ўзига хос жанр хусусиятларини аниқлаш;

ривоятларнинг пайдо бўлиш манбалари ва ривожланиш босқичларини ёритиш;

ривоятларнинг сюжет тизимини тавсифлаш ва уларни мавзу типларига бўлиб таснифлаш;

қорақалпоқ халқ насри жанрлари тизимида ривоятларнинг тутган ўрнини белгилаш;

тарихий, топонимик, этнонимик, диний ва куйлар ҳақидаги ривоятлар сюжетининг шаклланиш манбалари ва анъанавий мотивлар генезисини ойдинлаштириш;

ривоятларнинг бадий хусусиятлари ва образлар силсиласининг типологик хусусиятларини очиб бериш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида халқ орасидан тўплаб, чоп этирилган «Қарақалпақ халық легендалары хэм анекдотлары» (1962), «Қарақалпақ аңызлары, эпсаналары хэм шешенлик сөзлери» (1992), «Қарақалпақ халық аңызлары хэм анекдотлары» (1995) тўпламлари, шунингдек, ЎЗР ФА

⁵ Дәўқараев Н. Шығармаларының толық жыйнағы. Т.2. – I бөлім. – Нөкіс: Қарақалпақстан, 1977; Айымбетов Қ. Халық даналығы. – Нөкіс: Қарақалпақстан, 1988; Жапақов Н. Революцияға шекемги қарақалпақ әдебиятында реализм мәселеси. – Нөкіс: Қарақалпақстан, 1972; Мақсетов Қ. Қарақалпақ халқының көркем аўызеки дәретпелери. – Нөкіс: Билим, 1996.

⁶ Пахратдинов А. Мәнилі гәплер хэм халық эпсаналары. – Нөкіс: Қарақалпақстан, 1989; Алламергенов К. «Едиге» дәстанының гейпара мәселелери // ӨзР ИА ҚҚБ Хабаршысы. – Нөкіс, 1995; Палимбетов К. Қорқыт ата китабы хэм қарақалпақ дәстанлары. – Нөкіс: Билим, 2010; Керуенов Т. Мифлер хэм аңызлардың қарақалпақ жазба әдебиятында қолланылыўы. – Нөкіс: Билим, 2013.

⁷ Баҳадырова С. Қарақалпақ халық прозасы: миф, эпсана, аңыз // ӨзР ИА ҚҚБ Хабаршысы. – Нөкіс, 2007. – 1-сон. – Б. 107–108; Баҳадырова С., Мамбетназаров Қ. Қарақалпақ аңызлары, эпсаналары хэм шешенлик сөзлери. – Нөкіс: Қарақалпақстан, 1992.

Қорақалпоғистон бўлими кутубхонасининг кўлёмалар фонди материалларидан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг предметини ривоятларнинг халқ оғзаки ижоди жанри сифатидаги хусусиятлари, мавзу қамрови, таснифи, генезиси, ривожланиш тамойиллари ва типологиясини ўрганишда истифода қилинган илмий ва адабий-бадиий материаллар ташкил қилади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертация мавзусини ёритишда қиёсий-тарихий, қиёсий-типологик, бадиий-эстетик, структурал таҳлил методлари кўлланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги куйидагилардан иборат:

ҳозирги замон жаҳон фольклоршунослигининг халқ насрини ўрганишга доир илмий концепциялари асосида қорақалпоқ ривоятларининг тарихий, этнонимик, топонимик, диний ва куйлар тўғрисидаги ривоятларни ўз ичига олган янги таснифи амалга оширилган;

ривоятларнинг ҳаётий воқеликни эпик баён қилувчи жанр сифатида тарихий воқеалар, шахслар ва жой номлари тўғрисидаги муайян маълумотларни тингловчига етказишдан иборат бадиий-эстетик ва ахборот бериш функциялари белгиланган;

қорақалпоқ халқ ривоятлари сюжетининг генезиси ва поэтик эволюцияси «ҳаётий ҳақиқат→оғзаки ҳикоя→меморат→фабулат» босқичларидан иборатлиги далилланган;

қорақалпоқ ривоятларининг энг қадимий намуналари милоддан бурунги VI – V асрларда рўй берган воқеа-ҳодисаларни акс эттирганлиги, бу жанрга оид фольклор асарлари сюжетининг асосий қисми эса илк ва ўрта асрлар, Олтин Ўрда, нўғойлар, қалмоқлар ва Хива хонлиги ҳукмронлиги даврида шаклланганлиги исботланган;

анъанавий сюжет тизими ва етакчи мотивларнинг қиёсий-типологик таҳлили воситасида қорақалпоқ ривоятларининг Оролбўйи эпик ареали кечган тарихий-фольклорий жараён натижасида шаклланганлиги асосланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари куйидагилардан иборат:

қорақалпоқ халқ прозасида ривоят жанрини илмий жиҳатдан ўрганиш аждодларимизнинг узоқ асрлар давомида босиб ўтган йўли, ҳаётий тажрибаси, яшаш шароити, турмуш тарзи, урф-одатлари билан яқиндан танишиш имконини берган;

ривоятларнинг манбалари, ривожланиш босқичлари ва бадиий эволюцияси тамойилларини ўрганиш асосида қорақалпоқ халқ насри жанрлари бевосита тарихий-ижтимоий омиллар таъсирида юзага келганлиги аниқланган;

ривоятларни этнонимик, топонимик, тарихий, халқ куйлари ҳақидаги ривоятлар ва диний ривоятлар тарзида йирик беш турга ажратиб ўрганиш асосида олинган натижалар ва чиқарилган илмий-назарий хулосалар қорақалпоқ халқ насри жанрларини тасниф қилиш мезонларини такомиллаштиришга асос бўлган;

диссертацияда таҳлилга тортилган ривоятлар қорақалпоқ халқ ижодини тарғиб ва ташвиқ қилиш, олий ўқув юртларида, академик лицей ва касб-

хунар коллежларида, умумтаълим мактабларида қорақалпоқ халқ оғзаки ижодини ўрганишда кўшимча адабиёт вазифасини ўтаган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги кўлланилган ёндашув ва усуллар, унда фойдаланилган назарий маълумотларнинг ишончли илмий ва бадиий манбалардан олинганлиги, илмий хулосалар тарихий-қиёсий, тарихий-типологик, структурал таҳлил усулларига асосланганлиги, назарий фикр ва таклифларнинг амалиётда кенг кўлланилганлиги, олинган натижаларнинг тегишли муассасалар томонидан тасдиқланганлиги билан асосланади.

Тадқиқотнинг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти чиқарилган назарий хулосалар қорақалпоқ ривоятларининг ўзига хос хусусиятлари, тематик таснифини ўрганишда муҳим назарий аҳамият касб этиши билан белгиланади. Қорақалпоқ халқ ривоятлари жанрий хусусиятлари тадқиқ этилган ушбу диссертация иши туркий халқлар оғзаки насрини қиёсий-типологик жиҳатдан ўрганишга ҳам хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундан иборатки, қорақалпоқ халқ ривоятларини ўрганишга оид материаллардан олий ўқув юртларида халқ оғзаки ижодиёти фани бўйича маърузалар ўқишда, академик лицей ва умумтаълим мактабларида дарс машғулоти олиб боришда, ўқув кўлланмалар, дарслик ва мажмуалар яратишда кенг фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Қорақалпоқ фольклоршунослигидаги ривоятларни тадқиқ этиш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

қорақалпоқ халқ ривоятларининг ёш авлодни ватанпарварлик, миллий гурур ва ифтихор руҳида тарбиялаш, миллий ўзликни англашдаги аҳамиятига доир илмий-назарий қарашлар Қорақалпоғистон Республикаси телерадиоканалининг 2018 йил май ойидаги «Тарихий шахслар» ва «Халқ хазинасидан» эшиттиришларида кенг оммага тарғиб этилган (Қорақалпоғистон Республикаси телерадиокомпаниясининг 2018 йил майдаги 01-02/205 - рақамли маълумотномаси). Натижада мазкур манбалар кўрсатувнинг илмий далилларга бой ва оммабоп бўлишини таъминлаган;

қорақалпоқ ривоятларининг ўзига хос хусусиятлари, тарихий асослари ва таснифига доир илмий-назарий хулосалар Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Қорақалпоғистон Бўлими Қорақалпоқ гуманитар фанлар илмий тадқиқот институтида бажарилаётган «Қорақалпоқ фольклоршунослиги ва адабиётшунослиги тарихини тадқиқ этиш» мавзусидаги фундаментал илмий лойиҳани бажаришда (Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси 2018 йил 14 сентябрдаги 3/1255-2453 - рақамли маълумотномаси) фойдаланилиши натижасида қорақалпоқ халқ насри асарларининг жанрий табиати, генезиси ва тематик таснифи бўйича ўзига хос хусусиятларини ёритишга эришилган.

қорақалпоқ фольклорида ривоят жанрининг ўзига хос хусусиятларини тадқиқ этиш ва тематик таснифини яратиш жараёнида чиқарилган илмий-назарий хулосалар Қорақалпоқ давлат университети қошидаги Бердак миллий музейида қорақалпоқ халқ ижодиёти, хусусан, этнонимик ривоятлар

бўйича кўргазма ва экскурс дарсларини ўтишда татбиқ этилган (Қорақалпоғистон Республикаси Маданият Вазирлиги 2018 йил 18 майдаги №2-01/969 рақамли маълумотномаси). Натижада Бердақнинг “Шажара” асаридаги ривоятларни кенг халқ оммаси орасида тарғиб қилишга эришилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 9 та илмий-амалий конференцияда, жумладан, 4 та республика конференцияси, 5 та халқаро конференцияларда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 19 та илмий иш нашр этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 9 та мақола, улардан 2 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, уч асосий боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан ташкил топган бўлиб, умумий ҳажми 161 саҳифадан иборат.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг «**Кириш**» қисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети аниқланган. Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари тараққиётининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилиб, унинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён этилган. Олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланиб, ишнинг назарий ва амалий аҳамияти очиқ берилган. Тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши, апробацияси кўрсатилган.

Биринчи боб «**Қорақалпоқ халқ ривоятларининг ўрганилиши, генезиси ва эволюцияси масалалари**» деб номланиб, унинг «**Ривоятларнинг ўрганилиш даражаси**» сарлавҳаси остидаги дастлабки фаслида қорақалпоқ фольклоршунослигида ривоятлар шу вақтга қадар монографик аспектда ўрганилмаганлиги таъкидланиб, ушбу йўналишда айрим тадқиқотлардагина умумий тарзда фикрлар мавжудлиги кўрсатилди.

Қорақалпоқ адабиётшунослиги, хусусан, фольклоршунослиги асосчиларидан бири Н.Давқараев илк маротаба ривоятлар мазмуни, мавзу доираси ва бадиияти хусусиятларини ўрганиб, уларни махсус атама билан номлашга ҳаракат қилди. У ўзининг «Қорақалпоқ адабиёти тарихи очерклари» номли халқ оғзаки ижоди ва мумтоз адабиёт муаммоларига бағишланган тадқиқотида ривоятларни «легенда» атамаси билан номлайди⁸. Фольклоршунос Қ.Айимбетов ҳам ҳозирги нуқтаи назардан ривоят деб

⁸ Даўқараев Н. Шығармаларының толық жыйнағы. 2-том. Биринши бөлим. – Нөкис: Қарақалпақстан, 1977. – Б. 184.

юритилаётган эпик асарларни «легенда» деб атаб, қуйидагича тўхтамга келади: «Халқ эртакларининг бир хили легенда дея номланади. Легендаларни тарихга боғлиқ эртак-ҳангомалар десак ҳам бўлади»⁹. Н.Жапақов қорақалпоқ халқ ривоятларига нисбатан «эртак-ривоят» атамасини ишлатиб, қавс ичида «легенда» деб изоҳлаб ўтади. У: «Эртак-ривоят (легенда)ларнинг барчаси фақат хаёлот самараси эмас, уларнинг кўпчилиги реал турмуш – тарих билан чамбарчас боғлиқ» деган фикрини «Гулдурсин» ривояти билан исботлашга интилади¹⁰.

«Адабиётшунослик атамаларининг русча-қорақалпоқча изоҳли луғати» муаллифлари ҳам ривоятни «легенда» атамаси билан номлаб, қуйидагича изоҳлашади: «...Ривоят муайян бир тарихий воқеа ёки тарихий шахслар атрофида пайдо бўлган ҳангомалар, асарлар. Ривоятларда фантазия, гиперболизм мўл бўлганига қарамай, улар тарихий воқелик доирасидан узоқлаб кетмайди»¹¹. Қ.Мақсетов ўзининг халқ оғзаки насрига нисбатан қўллаган сўнгги таснифида афсонани *миф*, ривоятни *предания*, ангизни *легенда* атамалари билан номлаган¹².

Ўтган асрнинг 90-йилларига келиб, қорақалпоқ халқ насрининг нуфузли жанри бўлган ривоят ўз номи билан атала бошланди, «легенда» термини эса жуда сийрак қўлланилди. Масалан, 1995 йилда нашрдан чиққан «Қарақалпоқ халқ аңызлари ҳам анекдотлари» китобида «легенда» сўзи жуда кам ишлатилган. Шунингдек, 1992 йилда чоп этилган «Қарақалпоқ аңызлари, эпсаналари ҳам шешенлик сөзлери» деган китобчада «легенда» сўзидан жанрни ифодаловчи атама сифатида умуман фойдаланилмаган. Унинг ўрнига «ривоят» атамаси қўлланилган. Нашрга тайёрловчилар ривоятга тавсиф бериб: «халқ ривоятларида инсоннинг пайдо бўлишидан бошлаб ер, сув, шаҳар, қалъа, элатларнинг аталиши, шунингдек, ер юзидаги барча жонзотлар ва жонсиз нарсаларнинг, ҳатто ой, кун, юлдузларнинг пайдо бўлиши ва номланиши ҳақида одамларнинг тасаввур ва тушунчалари, ҳукмлари ифодаланган»¹³ лигини таъкидлайдилар.

Қорақалпоқ халқ оғзаки насрида ривоят жанри алоҳида монографик асосда тадқиқ объекти бўлган эмас. Шунинг учун ҳам уни ўрганиш асносида бир қанча мураккабликларга дуч келиш табиий, албатта. Шу туфайли жанрнинг тадқиқ этилиши зарур бўлган муаммолари кўплигини ҳисобга олган ҳолда, ишимизда уларнинг энг муҳимларини илмий таҳлил қилишни маъқул кўрдик. Муайян фольклор асарига муносабат билдирилганда энг аввало унинг жанр хусусиятларини аниқлаш устувор масала саналади. Чунки асарнинг ўзига хос табиатини ўрганмасдан у ҳақда фикр юритишда ҳеч қандай мантиқ йўқ. Айниқса, гап ривоят ҳақида борганда ушбу масала

⁹ Айымбетов Қ. Халқ даналығы. – Нөкис: Қарақалпақстан, 1988. – Б. 33.

¹⁰ Жапақов Н. Революцияға шекемги қарақалпоқ әдебиятында реализм мәселеси. – Нөкис: Қарақалпақстан, 1972. – Б. 9–10.

¹¹ Ахмедов С., Есенов Ж., Жәримбетов Қ. Әдебияттануы атамаларының орысша-қарақалпақша түсиндирме сөзлиги. – Нөкис: Билим, 1994. – Б. 111.

¹² Мақсетов Қ. Қарақалпақ халқының көркем аўызеки дәрәтпелери. – Нөкис: Билим, 1996. – Б. 74.

¹³ Баҳадырова С., Мәмбетназаров Қ. Қарақалпақ аңызлары, эпсаналары ҳам шешенлик сөзлери. – Нөкис: Қарақалпақстан, 1992. – Б. 4.

алоҳида моҳият касб этади. Ривоятнинг бошқа оғзаки наср жанрларидан фарқи ва улар орасидаги умумийликларни белгилаш орқали мақсадга эришиш мумкин. Жаҳон адабиётшунослигида муайян жанрни ўрганишда унинг миллий хусусиятлари эътиборга олинади. Шунинг учун ҳам барча миллат ривоятлари учун умумий, ўзгармас мавзулар мавжудлиги ҳақида гапириш мантиққа зиддир. Ишимизда ривоятларнинг мавзу доирасини аниқлашда жанрнинг миллий белгиларига алоҳида эътибор қаратилди.

Биринчи бобнинг «**Қорақалпоқ халқ ривоятларининг пайдо бўлиш манбалари**» деб аталган иккинчи фаслида ривоятларнинг пайдо бўлиш масаласи хусусида илмий кузатишларимиз ўз ифодасини топган. Қорақалпоқ халқ оғзаки поэтик ижоди намуналари ичида ривоят жанрининг пайдо бўлиш манбалари кўп босқичли характер касб этади. У реал тарихий воқеалар, тарихий шахслар, халқ, қавм ва элатларнинг пайдо бўлиши, номланиши, муайян географик жойларга боғлиқ равишда яратилиш хусусияти билан бошқа жанрлардан ажралиб туради. Ҳар бир ривоятнинг юзага келишида тарихий характердаги далил-маълумотлар асос сифатида хизмат қилади. Ривоят бу – оғзаки тарих, халқ онгидаги тарих. Ривоятлар ҳақиқий воқеаларни изоҳлашга,¹⁴ ривоятларнинг келиб чиқиш манбалари уларнинг ривожланиш босқичлари ва тамойилларини тайинлашга хизмат қилади. Демак, ривоятларнинг асосий манбаи тарих, ҳаётий воқелик, жуғрофий ўрин-жой, реал тарихий шахс ва уларга ижодий муносабатдан иборат.

Ривоятларнинг пайдо бўлишида контаминацион, ретроспектив усулларнинг ҳам маълум маънода таъсири мавжуд. Бир тарихий ривоявий объект атрофида турли воқеалар аралашиб кетиш ҳолатлари ёки нисбатан кейинги тарихий воқеанинг олдиндан мавжуд афсонавий тушунчалар билан муносабатга киришиши ривоятни мазмун жиҳатдан кўламдор қилади, бойитади. Ривоят яратувчи воқеликка бадиий-эстетик муносабатда бўлиб, уни бутунлай идеаллаштиришга интилади. Ундан кейинги ижрочилар ҳам асарга ўз ижодий «улушларини» қўшади.

Ривоятларнинг пайдо бўлиш йўллари доимо тарихий даврлар билан боғлиқ бўлгач, унинг яралиш босқичлари ҳам кўп қатламлилиқ касб этади. Яъни ривоятлар манбаларини ўрганишда уларнинг даврий тавсифларига, ижтимоий-тарихий хусусиятларига диққат қаратилиши лозим. Бирок, ривоятларнинг яралиш механизми барча даврлар учун ҳам умумийлик тамойилларига асосланади. Хусусан, уларнинг юзага келиш босқичлари қуйидагича тадрижда рўй беришини таъкидлаш мумкин: тарихий воқеа ёки шу тарихий ҳодисага дахлдор шахс (бунга ривоятнинг барча хиллари ҳам мансуб) – улар ҳақидаги оғзаки ҳикоялар, оғзаки ҳикоялардаги эмоционал ҳолатлар секин-аста ривоятни шакллантиради. Унинг қисқача тарихини «**тарих – оғзаки ҳикоя – ривоят**» сифатида белгилаш мақсадга мувофиқдир. Биз бу ўринда «**Афлотуннинг таклифи ва Арастунинг топқирлиги**» ривоятини таҳлилга тортдик. Платон билан Аристотелнинг таниқли шахслар бўлганлиги, уларнинг фикрларидаги қарама-қаршилиқлар натижалари ривоят

¹⁴ Қаранг: Аникин В.П., Круглов Ю.Г. Русское народное поэтическое творчество. – Л., 1983. – С. 176.

учун тарихий манба бўлади. Дастлаб уларнинг устоз-шогирдлик муносабатлари ҳақида оғзаки ҳикоялар тарқалган, шогирднинг устозидан ҳам ўзиб кетиши эса ҳикоя кўринишидаги ҳаётий манбадир. Ушбу тарихий мазмунга эга бўлган муносабатларни акс эттирувчи, уларни изоҳлаб, далиллаб берувчи омиллар ривоятнинг эпик манбаи ҳисобланади. Диссертацияда бу манбаларнинг барчаси жамланиб ривоят ҳосил қилганлиги ушбу сюжет таҳлили мисолида кўрсатиб берилди. Шунингдек, диссертацияда Хожа Аҳмад Яссавий, Ҳаким ота, Кўрқут ота, қипчоқ, кўнғирот, муйтан ҳақидаги ривоятлар сюжетининг генезиси ҳам аниқланган.

Ушбу бобнинг учинчи фасли **«Қорақалпоқ халқ ривоятларининг ривожланиш босқичлари»** деб аталади. Аксарият ривоятлар яратилган вақтни уларда инъикос топган воқеалар ёки фойдаланилган бошқа объектлар мазмунидан келиб чиққан ҳолда аниқлаш мумкин. Жанр пайдо бўлган даврни аниқлаш эса жуда мураккаб муаммо. Бу масалада таяниш мумкин бўладиган нарса – ривоят мазмунида муайян даражада тарихий ҳақиқатнинг акс эттирилишидир. Яъни ривоятларнинг илк намуналарида кўндаланг кўйилаётган масалалар моҳиятидан келиб чиқиб, улар яратилган давр ҳақида муайян хулосаларга келишимиз мумкин. Бироқ қадимги аждодларнинг воқеликка муносабати, борлиқни англаш салоҳияти кўпинча космогоник, демонологик, диний эътиқодлари ва мифологик тушунчалари билан боғлиқ бўлган. Улар орасидан тарихий ҳақиқатни ёхуд тарихий воқеа таъсирида яратилган оғзаки ижод намунасини ажратиш олиш имконияти жуда ҳам чекланган. Булардан қатъи назар, ўша даврларга хос бўлган муайян эътиқодий қарашлар акс этган ҳикояларнинг пайдо бўлишига ҳам ҳаётий воқелик асос бўлганлигига диққат қаратмоғимиз лозим. Кузатилмоқдаки, ривоятлар тарихий ҳақиқат асосида ҳосил бўлган жанрдир. Диссертацияда ривоятларнинг дастлабки намуналари милоддан аввалги VI – V асрларда пайдо бўлиб, уларнинг сўнгги тараққиёт поғоналари турли ижтимоий-тарихий ўзгаришлар таъсирида янги пайдо бўлган асарлар билан мазмун ва мавзу жиҳатидан бойиб борганлиги ҳақидаги фикрлар ўртага ташланди.

Диссертациянинг иккинчи боби **«Қорақалпоқ халқ ривоятларининг таснифоти»** деб аталиб, унинг **«Қорақалпоқ халқ ривоятларининг мавзу доираси»** номли биринчи фаслида ривоятларнинг мавзу жиҳатидан тасниф қилиниши масаласи тадқиқ қилинди.

Ривоятлар тематикаси ҳақида фольклоршунослар орасида ҳар хил қарашлар мавжуд. Масалан, В.К.Соколова ривоятларнинг фактларга асосланганлиги ҳамда муайян ўрин-жой, объектга дахлдор эканлигини ҳисобга олиб, уларни тарихий ва топонимик ривоятлар тарзида икки гуруҳга бўлиб ўрганади¹⁵. Ўзбек тадқиқотчилари ҳам ривоятларни тарихий ва топонимик турларга бўлган ҳолда, уларнинг мавзу хусусиятларини аниқлашга интилишган¹⁶. У.Жуманазаров ривоятларни уч турга ажратиб,

¹⁵ Соколова В.К. Русские исторические предания. – М.: Наука, 1970. – С. 273.

¹⁶ Имомов К., Мирзаев Т., Саримсоқов Б., Сафаров. О. Ўзбек халқ оғзаки поэтик ижоди. – Тошкент: Ўқитувчи, 1990. – Б. 179.

этнонимик, тарихий ва топонимик ривоятлар деб номлаган¹⁷. Қозоқ халқ ривоятларининг миллий хусусиятларига диққат қаратган фольклоршунослар топонимик ва тарихий ривоятларга қўшимча равишда «куй ривоятлари», «чечанлар сўзи», «шажара»ни ҳам киритиш мумкин, деган хулосага келганлар¹⁸. Туркман фольклоршунослари таснифи бўйича «тарихий ривоятлар», «топонимик ривоятлар», «этиологик ривоятлар» ўз мавзу хусусиятлари билан ажралиб туради.¹⁹ Қорақалпоқ ривоятларини тасниф қилган С.Баҳадирова тарихий воқеалар ва тарихий шахслар билан боғлиқ ривоятларни бир бутун ҳолда олиб, топонимик ривоятларни алоҳида ўрганиш лозимлигини таъкидлайди. Ривоятларнинг учинчи хилига уруғ-қавмлар ҳақидаги шажара характеридаги асарларни киритади. У дин билан боғлиқ халқ ҳикояларини ривоят жанрига киритмайди²⁰. Бизнингча, қорақалпоқ халқи ўзининг пайдо бўлиш ва шаклланиш босқичларининг барчасида ҳам муайян бир диний эътиқод билан яшаган ва ушбу ҳолат халқ тафаккури маҳсули бўлмиш ривоятларда ўз аксини топган.

Шундай қилиб, қорақалпоқ халқ ривоятларини **этнонимик, топонимик, тарихий, халқ куйлари ҳақидаги ривоятлар ва диний ривоятлар** деб беш турга ажратиб ўргандик.

Иккинчи бобнинг «**Этнонимик ривоятлар**» сарлавҳаси остидаги иккинчи фаслида қорақалпоқ уруғ ва қавмлари номларининг келиб чиқиши ҳақидаги ривоят-ҳангомалар ўрганилган. Қорақалпоқ халқ ривоятлари ичида этнонимик ривоятлар салмоқли ўрин эгаллайди. Қавм, уруғ атамаларининг ривоявий кўринишлари фақат оғзаки ижод доираси билан чекланмайди. Уларнинг айримлари ёзма манбаларда ҳам учрайди. «Кўнғирот» этноними қорақалпоқ, ўзбек, қозоқ халқлари орасида кенг тарқалган йирик уруғлардан бирининг номи. Мазкур туркий халқларнинг алоҳида халқ сифатида шаклланишида муҳим роль ўйнаган бу ном қавм жамоаси атамаси асосида юзага келган. Этнонимик ривоятлар орасида «Кўнғирот» атамаси билан боғлиқ намуналар талайгина. Бу асарларни таҳлилга тортган олимлар тадқиқотларида хилма-хил талқин ва хулосаларга дуч келамиз. Мулоҳазалардаги асосий тафовут шундаки, баъзи олимлар «кўнғирот» уруғини мўғуллар билан боғлашса, бошқалари туркий қавмлар шажарасининг чўнг томири сифатида қадим даврлардаёқ шаклланган ота уруғлардан бири сифатида қайд қилишади²¹. Ушбу илмий мунозаралар тўла равишда ўз ечимини топмаса ҳам, «кўнғирот» этноними икки компонентли (кўнғир+от) туркий сўз асосида ҳосил бўлганлиги важида ва чорвачилик, ҳарбий соҳаларга дохил мазмунга эгалигидан, қолаверса, туркий

¹⁷ Жуманазаров У. Ўзбек фольклори ва тарихий воқелик. – Тошкент: Фан, 1993. – Б. 179.

¹⁸ Каскабасов С. А. Казахская сказочная проза. – Алма-ата: Наука, 1990. – С. 157–159

¹⁹ Баймырадов А. Туркмен фольклор прозасының тарыхы эволюциясы. – Ашхабад: Ылым, 1982. – Б. 119.

²⁰ Баҳадирова С. Қарақалпақ халық прозасы: миф, эпсана, аңыз // ӨзР ИА ҚҚБ Хабаршысы. – Нөкис, 2007. – 1–сон. – Б. 107–108.

²¹ Қаранг: Рашид-ад-дин. Сборник летописей. Т. I. – М.–Л: АН СССР, 1952. – С. 68, 126, 163, 208; Зарифов.Х.Т. Основные мотивы эпоса «Алпамыш» // Сб: Об эпосе «Алпамыш». – Ташкент, 1959. – С. 8–9; Марғулан Ө. Шоқан және Манас. – Алматы: Жазыўшы, 1971. – Б. 81; Мәмбетов.К. Тарийх төркинлери. – Нөкис: Билим, 1999. – Б. 19; Хошниязов Ж. Қарақалпақ халық дәстаны «Алпамыс». – Нөкис: Билим, 1992. – Б. 115; Жуманазаров У. Ўзбек фольклори ва тарихий воқелик. – Тошкент: Фан, 1991. – Б. 195–196.

қавмларнинг мўғулларга нисбатан VI–VII асрлардан аввал тарихда из қолдирган йирик давлат тизими соҳиби номи эканлигидан келиб чиқиб, унинг туркий қавмлар орасида пайдо бўлган уруғ сифатида эътироф этилишининг тарафдоримиз. Дарҳақиқат, мўғулларнинг ўзлари ҳам туркий қавмлар билан узоқ асрлар давомида бақамти яшаб, тарихий саҳнага чиқишга қадар баъзи туркий қавмларни мўғуллаштириб олиш имкониятига эга эди, дейишга тўла ҳақлимиз²². Шулардан бири кўнғирот уруғидир. Маҳаллий ривоятларнинг аксариятида бу этноним от ва унинг ранг-тусига боғлиқ ҳолда келиб чиққан деб талқин қилиниши ҳам буни тасдиқлайди. Қорақалпоқ халқ ривоятлари орасида қавмлар, уруғлар, уруғ тийралари (шоҳобчалари), уруғ тамғалари ва шиорларининг келиб чиқиши ҳақидаги намуналар кўплаб учрайди. Масалан, қўлдовли, қорамўйин, қандакли (хандакли), қазоёқли (ғозоёқли), қиёт, нукус, қўстамғали (қўштамғали), кенагас сингари атамаларда уруғ ёки тийраларнинг келиб чиқишини изоҳлашга йўналтирилган ишоралар мавжуд²³. Булар ривоятларни тарихий ва адабий-эстетик жиҳатдан ўрганувчилар учун қимматли маълумотлар саналади.

Иккинчи бобнинг учинчи фаслида «**Топонимик ривоятлар**»га хос бўлган белги-хусусиятлар таҳлил этилган. Бу хил ривоятларда эл, ер, шаҳар, қалъа, овул, дарё, кўл, тоғ, денгиз атамаларининг нима сабабдан шундай номланиши сабаблари изоҳланиб, улар халқимизнинг узоқ йиллар давомида бошдан кечирган ҳаёт йўли ва маиший турмуш тарзи билан узвий алоқадорлиги далилланган.

Топонимик ривоятлар маҳаллий, маълум маънода чекланган воқеа-ҳодисалар ҳосиласи бўлиб, объект моҳиятини аниқлашга йўналтирилган бўлади. Ушбу хил ривоятлар қаторига «Аёз қалъа», «Гулдурсин», «Тўқ қалъа», «Чимбой», «Кўнғирот», «Шўманай» сингари қатор шаҳар ва қўрғон номларига дахлдор асарларни киритиш мумкин. Айрим топонимик объектларнинг дастлабки туб маъноси сақланмаган. Сўнгги даврларда юз берган тарихий воқеалар билан алоқадор янги шартли топоним ҳосил бўлган («Тупроқ қалъа», «Қўйқирилган қалъа», «Қозоқли ётган» каби). Баъзи топонимик ривоятларда эса тарихий давр ёки ҳодиса излари, аниқ географик ўринни ифодалайдиган воқеалар акс этади («Аёз қалъа», «Гулдурсин», «Чимбой» сингари). Топонимик ривоятларда муайян ўрин-жой атамасининг қандай ҳосил бўлганлигини далиллаш учун тўқима ҳикоялардан фойдаланиш ҳоллари, уларга сайёр сюжетларни сингдириш усуллари ҳам («Кўнғирот», «Тўқ қалъа», «Гулдурсин», «Боғдод» каби) қўлланади.

Топонимлар баъзи ҳолларда киши номининг уруғ атамалари билан алоқадорликда муайян ижтимоий-тарихий воқеага дахлдор мазмун касб этишини ҳам кўрсатади. Маълум бир объектнинг табиий ташқи кўриниши (катта-кичиклиги, ранг-туси, кўллардаги қушлар, сув ўсимликлари сингари) билан боғлиқ халқ қарашлари тарихий-фольклорий жараён давомида эпик

²² Ҳасан Ато Абуший. Туркий қавмлар тарихи. – Тошкент: Чўлпон, 1995. – Б. 175–177.

²³ Бу ҳақда кенгроқ маълумот учун қаранг: Мамбетов К. Қарақалпақлар шежиреси. – Нөкис: Билим, 1993. – Б. 82–101; Яна ўша: Қарақалпақлар тарийхи. – Нөкис: Қарақалпақстан, 1993. – Б. 49–74.

сюжетга асос бўлиши гидронимик атамаларнинг келиб чиқиши ҳақидаги ривоятлар мисолида асослаб берилган.

Иккинчи бобнинг тўртинчи фасли «**Тарихий ривоятлар**» деб номланган. Ушбу хил ривоятлар кўпинча тарихий шароит ғоят мураккаблашган даврларда, давлат ёки уруғлик жамоалари шаклланган, ушбу йирик жамоага ташқи хавф юзага келган ёхуд ички зиддиятлар авж нуқтасига кўтарилган пайтларда пайдо бўлади. Бу тип фольклор асарлари ўзининг қайси хилга мансублигидан қатъи назар, жамоа тартиботлари муайян даражада амалга ошгач, ривоят жанрининг янги типи сифатида майдонга келган²⁴. Чунки ушбу жамоада муайян қаҳрамонлик кўрсатган шахс халқ эътиборига тушиб, рўй берган тарихий ҳодисанинг аҳамияти қадрият даражасига кўтарилгач, ривоят сюжети шаклланади.

Тарихий ривоятлар дастлаб муайян воқеани бошидан кечирган, кўрган-билган ёки гувоҳи бўлган одамлар томонидан оғзаки ҳикоя кўринишида яратилиб, вақт ўтган сари ривоятга хос белги-сифатлар ола боради. Айрим тарихий ривоятларда ўтмишда яшаган реал шахслар образлари илгаридан мавжуд бўлган анъанавий эпик сюжетлар асосида баён қилинади. Бу фаслда Ўғузхон, Чингизхон, Кўркут ота, Ҳаким ота (Сулаймон Боқирғоний), шунингдек, Асан қайғи, Жийренше чечан, Маман бий, Турим бий, Айдўс бий, Эрназар олакўз, Тўра бий ҳақидаги ривоятларни таҳлил қилиб, уларнинг тарихийлик хусусиятларини очиб бердик.

Иккинчи бобнинг бешинчи фасли «**Халқ куйлари ҳақидаги ривоятлар**»га бағишланган. Қорақалпоқ халқ ривоятларининг мавзу доирасида халқ куйларининг келиб чиқиши тўғрисидаги асарлар алоҳида ўрин тутди.²⁵ Бу хил ривоятлар кўбиз ва дутор куйларининг юзага келиши борасидаги маълумотлар тингловчига етказувчи қисқа ва лўнда ҳикоялардан иборат бўлиб, баъзи куй атамаларининг келиб чиқиш сабабларини изоҳлаш вазифасини ҳам бажаради. Бундай ривоятлар туркий халқлар фольклоршунослигида «куй-ривоятлар»²⁶, «йир-рауаят»²⁷, «куйлар тарихи»²⁸, «саз сунгати»²⁹ атамалари билан юритилади. Улар синкретик хусусиятга эгалиги, яъни баён қилинаётган куй ҳақидаги ахборот ўша куйни ижро қилувчи созанда томонидан тушунтирилиши ва мусиқий асбоб жўрлигида чалиб берилиши билан бошқа тип ривоятлардан фарқланади. Кўбизда ижро қилинадиган куй ривоятларидан «Шўл асқан» (Чўл ошган), «Нўғайли», «Ойга шап» (Ойга юзлан) деган куй номларининг аввалги иккитаси реал тарихий воқеалар билан боғлиқ ҳолда баён этилса, кейинги асар халқ хаёлотини – бадиий тўқима самараси саналади. Дутор куйлари билан боғлиқ

²⁴ Соколова В.К. Изображение действительности в разных фольклорных жанрах // Фольклор и историческая действительность. Русский фольклор. ТХХ. – Л.: Наука, 1981. – С. 37.

²⁵ Айымбетов Қ. Халық даналығы. – Нөкис: Қарақалпақстан, 1988. – Б. 214–219; Алымов Ә., Адамбаева Т. Уллы қарақалпақ бақсысы, миллий композиторы Муўса Турым улы хэм қарақалпақ музыкасы / Әмиўдәрья. – Нөкис, 2006. – 5-6- сон. – Б. 121–127; Ережепов А. Қарақалпақ халық косық хэм намаларының тарийхы. – Нөкис: ҚМУ баспаханасы, 2008.

²⁶ Каскабасов С.А. Казахская сказочная проза. – Алматы: Наука, 1990 – С. 156–157.

²⁷ Надршина Ф. Халық хатере. – Уфа, 1986. – Б. 26.

²⁸ Жумаев З. Ўзбек халқ тарихий ривоятлари: Филол. фан. номз. ... дисс. автореф. – Тошкент. 2005. – Б. 17.

²⁹ Баймырадов А. Туркмен фольклор прозасының тарыхы эволюциясы. – Ашхабад: Ылым, 1982. – Б. 143.

ривоятларда тарихий шахслар ҳақида сўз боради. «Жети асирим» (Етти довон), «Кўшим полвон», «Беш парда», «Орухон», «Бўзатов», «Хуш аддес» сингари асарлар шулар жумласидандир. Қорақалпоқ халқининг куй ривоятлари алоҳида миллий характер касб этган бўлиб, улар аждодларимизнинг ижро санъати ҳақидаги қарашларини акс эттиради.

Ўтмишда бахшилар орасида анъана тусини олган устоз-шоғирдлик муносабатлари санъатнинг бу тури таракқиётига ижобий таъсир қилиб, оғзаки ижод намуналарининг оғиздан-оғизга ўтиб, сайқал топишини таъминлаган. XVIII–XIX асрларда бахши ва жировлар ҳаёти ва ижоди ҳақидаги маълумотларнинг аксарияти Хива хони саройидаги тантаналар билан боғлиқ ҳолда талқин қилиниши ҳам миллий санъатнинг ушбу тури юқори даражада ривожланганидан дарак беради. Куйлар билан боғлиқ ривоятлар халқнинг мусиқий тушунчалари ва тарихий муҳит билан бевосита алоқадорликда шаклланиб, реал ҳаётини воқелик сифатида баён этилади.

Иккинчи бобнинг олтинчи фасли «**Диний ривоятлар**» деб номланади. Ўлкамиздаги мазорот-ҳилхоналар, зиёратгоҳлар, авлиёлар номи билан боғлиқ мачит-мақбаралар халқ тарихининг узвий бир қисми сифатида қадрлидир. Бу хил муқаддас қадамжолар номларига дахлдор ривоятлар «некронимик ривоятлар» деб ҳам аталади. Некронимик ривоятлар мазмунан диний тушунчалар ташиши билан бошқа турдош асарлардан фарқланади. Эпик сюжетда миллий урф-одатлар, воқеалардаги конкретлилик, ўтмишда яшаб ўтган кишилар номи билан унинг хоки туроби ётган ўриннинг номланиши, атаманинг муайян даражада маҳаллий (локал) хусусиятга эга бўлиши, ровийларнинг диний-эътиқодий қарашлари ифодаланиши некронимий ривоятларнинг энг характерли белгиларидир. Бундай ривоятларда ота-боболар руҳига сиғиниш (анимизм) анъанаси чуқур из қолдирган. Чунончи, Қорақалпоғистондаги энг қадимги археологик ёдгорликлардан бири Шилпиқ кўрғони (I–IV–VII–VIII, IX–XI асрлар) мўъжизакор руҳлар яшайдиган макон ҳисобланган. Айрим ривоятларда Шилпиқ руҳлар истиқомат қиладиган сирли гўша эканлиги эпик воситалар орқали изоҳланса, бошқасида эҳтиёжманд инсонларга руҳий мадад берувчи макон, ёш эр-хотинлар оиласида рўй берган ёки рўй бериши мумкин бўлган кўнгилсизликларни даф этувчи, фарзандсиз жуфтликларнинг муродини ҳосил қилувчи, бемор кишиларга шифо бағишловчи қадамжо эканлиги таъкидланади³⁰. Диссертациянинг ушбу фаслида зиёрат ўринлари (қадамжолар) саналмиш Султон Ваис бобо, Хожа Аҳмад Яссавий, Ҳаким ота, Шиблий ота, Мурат шайх, Сўфи Оллоҳёр, Имом эшон, Салмен эшон каби азизу авлиёлар номлари билан боғлиқ ривоятларни таҳлилга тортиб, бу хил асарларнинг характерли қирраларини аниқлашга ҳаракат қилдик.

Диссертациянинг учинчи боби «**Қорақалпоқ ривоятларининг типологик хусусиятлари**» деб номланади. Унинг «**Ривоятларда типология масаласи**» деб номланган дастлабки фаслида ривоятларни типологик нуқтаи

³⁰ Хожаниязов Ф., Ҳакимниязов Ж. Қарақалпоқистоннинг эжайып жети естелиги. – Нөкис: Билим, 2004. – Б. 25–26.

назардан ўрганиш зарурияти юзага келганлиги алоҳида урғуланган. Ривоятлар жуда қадимий тарихий-фольклорий жараён натижасида шаклланиб, ривожланиб келаётгани туфайли уларнинг мавзу доираси, мазмуни, сюжети, композицион қатламларида типологик характердаги белги-хусусиятлар мавжуддир. Ишда муайян даражада типлашган сюжетларнинг ривоятлар таркибида қўлланилиши, айрим образ ва воқеалардаги типологик жиҳатлар қиёсий аспектда ўрганилди. Улар типологик воқеа, типологик образ, типологик сюжет, ривоят мазмунидаги трансформацион ҳолатлар, ривоятларнинг умумийлиги ёки индивидуаллиги сингари белгилари билан кўзга ташланади.

